

# КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



28-dekabr 2023-yil 52 (1050) [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz) @XXIasr\_yangiliklari XXIasrgazetasi xxi\_asr@mail.ru asr\_xabarlari\_news

## МУНОСАБАТ

## САРҲИСОБ ЎРНИДА...

**Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак!**  
**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



**Ахтам ХАЙТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

## ЖИДДИЙ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЙЁРМИЗ

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 2023 йил давомида ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Биласиз, жорий йил сиёсий тадбирларга бой йил бўлди. O'zLiDeP фракцияси Конституциямизни такомиллаштириш ташаббуси билан чиққан сиёсий куч сифатида референдум олди тарғибот ва ташвиқот жараёнларида фаол қатнашди. Халқимизнинг барча қатламлари, хусусан, тадбиркорлар манфаатларини ифода этувчи мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, ерларни хусусийлаштириш каби кўплаб тақлифларни Асосий қонунида акс эттирилишига эришди.

Шунингдек, умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асо-

сида муддатидан илгари ўтказилган Президент сайлови жараёнида номзодимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги “уйма-уй” акцияларида 200 мингдан ортиқ аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ўтказилди. ОАВ орқали бўлган тарғиботлар, теледебатларда фракциямизнинг фаоллиги кузатилди. Яқунда халқимизнинг катта ишончи билан партиямиздан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Жорий йилда номзодимиз илгари сурган сайловолди дастури асосида 5 та устувор йўналиш ва 100 та мақсадни ўз ичига олган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Ундаги мақсадлар эса бизнинг партиявий ғояларимизга тўла ҳамоҳанг бўлиб, стратегияни амалга ошириш ва белги-ланган кўрсаткичларига эришишга кўмаклашиш учун партиямиз фаоллари ва фракциямиз аъзоларидан иборат 31 та ишчи гуруҳи тузилди. Ҳозиргача республика миқёсида 5 маротаба, ҳудудлараро 58 маротаба жамоатчилик назорат тадбирлари ташкил этилди.



## ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИГАН КУЧ

**АДОҒИГА ЕТАЁТГАН 2023 ЙИЛНИНГ 22 ДЕКАБРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИМ-У... НЕГАДИР ҚАДРДОН УСТОЗИМ, РАҲМАТЛИ САФАР ОСТОН ЭСИМГА ТУШДИ.**

Ўн йилча бурун қизиқ воқеа бўлвди: ҳозиргидек давлат раҳбари қат-

нашадиган нуфузли бир йиғинга кираверишда, назоратчилар, билмадим, негадир журналист эканимизни ҳар қанча таъкидласак-да, ҳатто қўлимиздаги блокнот ва ручкаларгача олиб қўйишди. Қовоғи солинган савлатли йигитларнинг жавоби қатъий эди: “Мумкинмас, топшириқ шундай”.

Ўшанда, юраги катта экан-да Сафар аканинг, “Йўқ, мен олиб кираман, фақат маъруза эшитиб ўтирмаймиз-ку ахир, журналистман, ўзим учун зарур бўлагидан долзарб мавзуларни қайд этиб қўйишим шарт. Изн бермайсизми, кимлигингизни айтинг, ҳозирок изимга қайтиб кетаман ва эртага бизга бундай нотўғри муносабат қилинганини газетамизда танқид қиламан”, дегач, ҳалиги йигит қаергадир кетиб қолди. Бизлар бўлсак, шу

бошоғриқ керакми ўзи, дегандай жимгина ичкарига йўналдик. Беш-ўн дақиқалардан сўнг оптимиздан устоз қўлидаги қалин дафтари билан виқор солиб кириб борди ва ўша расмий анжуман охиригача тинмай нималарнидир ёзиб ўтирган эди...

Нега бугун, яъни орадан ўн йилча вақт ўтганидан сўнг ўша даврда ўзим гувоҳ бўлган “фавқулдда” ҳолатни эслаяпман? Чунки энди бундай ўта расмиятчиликдан иборат эски тартиблар ўзгариб кетди. Қолибга солинган жуда расамади муомалаю тартиблар деярли йўқ. Хушталовелик билан кутиб олиш ва салом-алиқлар жой-жойида. Бу ҳам, айтиш мумкинки, мамлакатдаги кейинги олти-етти йиллик жиддий ислохотлар меваси, десак янглишмаймиз.

3

2

**XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА ҲАМ “XXI asr” БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!**

**Обуна 2024**

**Обуна индекси - 406. Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.**

**БУГУНГИ СОНДА:**

**2**

**МАСЪУЛИК ШАҲОДАТИ**

**4**

**“ЁШЛАР ҚАНОТИ” ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛА ОЛДИМИ?**

**2**

**МИКРОМОЛЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА**

**6**

**“МАҚОМСИЗ ҲАЁТ ҲАМ, САНЪАТ ҲАМ ЙЎҚ!”**

**ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲОФИЗИ ЎКТАМ АҲМЕДОВ**

◀ Бошланиши 1-саҳифада.



## ЖИДДИЙ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЙЁРМИЗ

Қонун ижодкорлиги доирасида ҳисобот даврида фракция аъзолари томонидан 2 та қонун лойиҳаси, яъни сув ресурсларини бошқариш, сув муносабатларини янада такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек, фуқаролар эркинлиги ва ҳоҳишини рўйга чиқариш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

Фракция дошларимиз 7 та қонун лойиҳасига ҳам ташаббускор бўлишди. Мазкур ҳужжатларда партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлар, фермерлар ва деҳқон хўжалиқларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, сайловчилар тақлифлари, талаб ва истакларини инобатга олишга аҳамият қаратилди. Умуман олганда, 2023 йилда Қонунчилик палатасида қабул қилинган 150 дан орттиқ қонун ҳужжатларини тайёрлашда фракцияимиз аъзолари томонидан олдинга сурилган ва 100 дан орттиқ қонунларга берган тақлифлари ўз аксини топди.

Долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш бўйича ташаббус билан чиқиш, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, фракция ташаббус билан қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси, шунингдек, ҳудудлардаги ўрганишлар довомида аниқланган тизимли камчилик ҳамда муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳукумат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари билан 4 марта “Ҳукумат соати”, 1 та “Парламент эшитуви”

ўтказилди ҳамда 3 марта “Парламент сўрови” юборилди. Унда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, мамлакатимизда энергетик барқарорлиқни таъминлаш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Худудларда давлат бериладиган ажратилаётган маблағлардан, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва бошқа шу каби муҳим масалалар юзасидан фракция эшитувлари ўтказилди.

Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил тўққиз ойидаги ижроси юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахбороти эшитилди. Жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар довомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан вазирлик ва идораларга 53 та депутатлик сўрови юборилди.

Фуқаролар муурожаатлари ўрганиш, ҳал этиш, тегишли тартибда кириб чиқиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Йил довомида депутатлар сайлов округларидаги учрашуларда 5 301 та муурожаат тушган бўлса, уларнинг қарийб ярми жойида ҳал этилди, қолганлари тегишлилиги бўйича мутасадди ташкилотларга йўналтирилди.

Шу билан бир қаторда, фракциянинг партия билан ўзаро алоқалари

мутлақо янгича кўринишда йўлга қўйилди. “Бир депутат – юз аёғига кўмакчи”, “Ишбилармон аёл”, “Соғлом оила – мустақкам оила”, “Ёшлар билан”, “Намунали томорқачи”, “O’zLiDeP пресс клуби”, “Янги авлод кадрлари” каби юзлаб лойиҳалар амалга оширилди.

Фракцияимиз келгуси йилда қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратади.

Аввало, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгилаб берилган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида сайловчиларни қизиқтирган долзарб масалалар юзасидан тизимли муаммолар, қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси этилиш ҳолати бўйича тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари, давлат дастури ҳамда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан фойдаланиш ҳолати юзасидан фракцияимиз мажлисларида танқидий муҳокамалар ташкил этиб борилади.

Шунингдек, фракция ва партиянинг ўзаро алоқалари мутлақо янгича кўринишда йўлга қўйилади. Жойлардаги муаммо ва камчиликларни ижобий ҳал этишда натижадорликка эришиш, шу жумладан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва аёллар муаммоларига ечим топишга қаратилган жамоатчилик назоратининг самарали шакллари йўлга қўйилади.

Айниқса, келаётган йилда ўтказиладиган сайловларга юқори савияда тайёргарлик кўриш, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларидан келиб чиққан ҳолда сайловдаги дастурий шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Янги сайлов тизимига асосланган ҳолда энг муносиб номзодларни танлаш ва бу жиддий сиёсий компанияни ушшоққлик билан юқори савияда ўтказиш барчамизга алоҳида масъулият юклайди.

O’zLiDeP Матбуот хизмати

## МАСЪУЛЛИК ШАҲОДАТИ

Шухрат АСЛАНОВ,  
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ Бош директори,  
O’zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси



Яқунланаётган йил мамлакатимиз учун муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлди. Халқимиз ташаббуси билан янги тахрирдаги Конституция қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжатда давлат фуқароларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши мустақкамлаб қўйилганлигини алоҳида эътироф этишни истардим.

Муддатидан олдин бўлиб ўтган президентлик сайловининг натижалари Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улғувор мақсадларимизга ҳам биз фақат мардона меҳнат билан эриша олишимиз мумкинлигини, яъни етти йилда янги даврга ўтиш учун сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий пойдевор яратганлигимиз, келгуси етти йилда эса, “Янги Ўзбекистон” деган муҳташам иморатни барпо этиш бош вазифамиз бўлишини кўрсатди. Президентимизнинг сайловдаги дастуридан мамлакатимизнинг мақсад яқин келажақдаги фаолиятимизни белгилаб берди. Сайловдаги дастури мазмунан мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг узвий давоми бўлиб, бунда инсон қадрини, шаънини, унинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда таъминлаб бериш, ҳар бир инсоннинг бу ҳаётда соғлом бўлиб, хавфсиз яшаб, таълим олиши, ишлаши, фаровон ҳаёт кечириши учун яратилаётган шарт-шароитлардан мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти олдидagi обрўси ва нуфузини янада оширишга, иқтисодиётимиз ва барча соҳаларнинг ривожланишига, қадриятларимизнинг улғунлигини, мудоффа салоҳиятини ошириш каби муҳим вазифаларни ўз ичига олганлиги билан аҳамият-лидир. Сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказилишига аҳоли ўртасида тарғибот ишлари юксак даражада ташкил этган сафдошларимиз ҳам муносиб ҳисса кўшганликларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мамлакатимиз тараққиётини белгилаб бериш учун яна бир муҳим воқеа, яъни “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилинганлиги партияимиз дастурий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиши заруратини кун тартибига қўйди. Дастурий ҳужжатларимизни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш, партияимиз ёғларини халқ орасида тарғиб қилиш ишларини янада жонлантириш бугунги кун долзарб вазифаси бўлиб турибди. Асосий мақсадимиз – мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг бардавонлигини таъминлаш, одамларнинг бугунги кундан рози бўлиб, эртанги кунига умид билан қарашлик муस्ताқкам замин яратишдан иборат.

Айниқса, иқтисодиёт шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги шароитда мамлакатимизда барча соҳаларни рақамлаштириш, IT хизматларини янада ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб бориш талаб этилмоқда. Чунки рақамлаштириш нафақат вақтни, балки маблағни ҳам тежашга ёрдам беради, пировардида одамларга кундалик ҳаётда ва давлат хизматларидан фойдаланишга қўлайликлар яратди, маҳсулотлар танчанар пасада, энг муҳим жиҳатларидан яна бири – коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва электрон хизматларни жорий этиш, шунингдек, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни таъминлаш бўйича барча соҳа ва тармоқларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги таҳсинга сазовор. Чунки “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи – “Рақамли ҳукумат” тизимига ўтиш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республикамнинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи устувор лойиҳаларнинг амалиётга татбиғи иқтисодиётимизга юксалишининг амалдаги натижасидир.

Бугунги кунда воҳамиздаги маслақдошларимиз қўшалоқ байрам шуқуҳи билан яшамоқдалар. Яқиндагина партияимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллик байрамини шоду ҳуррамлик билан нишонлаган эдик. Мамнуният билан таъкидлаётганимиз, етакчи партия сифатида йил сайин обрў-эътиборимиз юксалиб бормоқда. Дастурий мақсадларимизни жойларда кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган, партияимиз ташкил этилган кундан бошлаб, барча масалаларда ҳамфикр бўлиб, ҳаёт олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни бажаришда самарали меҳнат қилиб келаётган фахрийларимиз ва фаолларимизни қўллаб-қувватлашга ташаккурнома билан тақдирлаб, совғалар улашдик.

Озод диёримизда ўтган етти йил мобайнида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлардан пировард мақсад битта, у ҳам бўлса инсон қадрини тиклаш ва халқимизни рози қилишдир. Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувида очиллик ва адолатга асосланган, эл манфаъатига хизмат қиладиган халқларвар қарорлар қабул қилиш тизими шаклланаётди. Бугун, аввало, инсон,

кейин эса жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига қўйилди. Ҳаётимизда “Инсон қадрини” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топиб бормоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўйга чиқариш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий билан мустақкамлаш, ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Соғлом ва баркамол, ватанпарвар ёш авлоднинг тарбиялаб вояга етказиш борасидаги кенг қўллаш, улғувор ишлар ўз мевасини бера бошлади. Зеро, Учинчи Ренессансдан кўзда тутилаётган мақсад ҳам навқирон авлоднинг интилиши, ақлу заковати, билим ва малакасини давр талабларига ҳамоханлигини таъминлашдан иборатдир. Амалга оширилаётган ислохотлар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга хизмат қилаётди. Депутатларимиз ва партияимиз фаоллари томонидан ёшларнинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, дарду ташвишларига ечим топиш, ғоявий, мафкуравий ахтиёжларини қондириш, китоб ўқишга бўлган қизиқишларини кучайтириш, айниқса, ишсиз юрганларни касб-хунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис воҳамизда бандлик ва фаровонлик ўтган етти йил мобайнида икки бара-варга кўпайди.

Бугун вилоятимизда 1117 та бошланғич партия аъзолари бўлиб, 104 минг 89 нафар партия аъзоларини ўзида бirlаштирган. Айниқса, “Шўртан газ кимё мажмуаси”, Муборак газ конлари бошқармаси, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ-лар, “Талимаржон Иссиқлик электр станцияси” ва “Деҳқонбод Калий заводи” акциядорлик жамиятлари қошидаги куйи бўғинлар фаоллари “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидан эътироф этилган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилган ва оширилиши керак бўлган ислохотлар моҳиятини ҳам аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишмоқда. Ташкилчи партиявий, ғоявий-сиёсий ишларда ибрат кўрсатган БПТ етакчилари ва партия фаолларини тизимли равишда истиқболли кадрлар захирасига киритялмиз.

Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш борасида партияимиз қатор истиқболли лойиҳаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш орқали уларни жамиятда ўз ўринларини топишига кўмаклашиб келялмиз. Ўтган давр мобайнида лойиҳалар иштирокчилари бўлган бир ярим минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини йўлга қўйиб, қарийб ўн мингдан орттиқ ёшларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, “Аёллар каноти” лойиҳалари орқали чекка қишлоқларда истиқомат қиладиган хотин-қизларга кредитлар ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги оширилиб, тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилди. Натижада воҳамиздаги юзлаб таниқли тадбиркор ва фермер хотин-қизлар кашф этилди.

Халқ орасига чуқурроқ кириб бориш, одамларнинг ҳол-аҳолидан хабардор бўлиш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун тўққинчи қилаётган камчиликларни бартараф этиш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий ва устувор мақсадларидан эканлигини депутатларимиз дилдан ҳис этган ҳолда аҳоли муурожаатларига партиявий воситалар орқали ечим топиш ҳамда жойларда тадбиркорлар ва фермерлар муаммоларини ижобий ҳал этишга эътибор қаратишяпти. Вилоят кенгашидаги O’zLiDeP депутатлик гуруҳимиз аъзолари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигига эришиш, қиш мавсуми учун озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари яратилганлиги ҳолати бўйича вилоятнинг туман ва шаҳарларида амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганишлар олиб боришмоқда.

Барча соҳаларни ривожлантиришга қаратилган, партиявий фаолиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ғоявий асосини ташкил этган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси зиммамизга тамомилан янги вазифаларни қўйди. Келгуси йилда жамиятда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган тизимли ишлар кутиб турибди. Бу тарихий ҳужжат изчил либерал ислохотлар орқали мамлакатимизни барча соҳаларда янгилаш ва модернизация қилиш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ўзига хос “йўл харитаси”дир. Биз эса бу каби ишларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллиги ва барқарорлигини таъминлаш бўйича маъсулиятни ўз зиммасига олган сиёсий кучнинг фаолияти эканлигини унуттишга асло ҳаққимиз йўқ.

Ҳар қандай сиёсий партиянинг халқ орасидаги обрў-эътибори ва жамиятда тутган ўрни янада юксалишида партия фаоллари ва депутатларнинг савий-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистонни барпо этишдек эзгу мақсад ва халқларвар ғоя йўлида инсон қадрини ва фаровон ҳаёт учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаверамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча партиядошларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Янги йил барчамизга омад, бахт, оилавий хотир-жамлик, тани шадлиқ ато этсин!

O’zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

## МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O’zLiDeP фракцияси йиғилишида интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтартириш қобилиятини яхшилашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кизгин муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.



Атхам НАЗИРКУЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O’zLiDeP фракцияси аъзоси

Юртимизда молия ва кредит ташкилотлари томонидан аҳоли ва тадбиркорларга хизматлар сифатини янада яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жойларда банк хизматлари кўрсатилиши бўйича юзага келаётган тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин ҳозирда кредит ташкилотларидан сармоя олганлар томонидан айрим объектив сабабларга кўра тўлов кечиккан ёки қисман тўланганда, қарздорликни сўндириш навбати бўйича амалдаги тартибни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Қолаверса, микромолиявий хизматларга талаб ошётгани ҳам микроқарзнинг энг кўп миқдорини қайта кўриб чиқиши тақозо этмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси билан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига ажратиладиган микроқарз миқдорини эллик миллион сўмдан юз миллион сўмга ошириш тақлиф этилмоқда. Ушбу ҳужжат аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтартириш қобилиятини яхшилашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Унинг қабул қилиниши кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш орқали қарз олувчилар учун қўлай молиявий имкониятлар яратди ва аҳолининг бундай хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладди.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат “Ахборот-лаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг

12-1-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Интеллектуал мулк инсон томонидан яратиладиган ижодий ақлий фаолият маҳсулидир. Шу боис, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш ғоятда муҳимдир.



Феруза НИГМАТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O’zLiDeP фракцияси аъзоси

Мазкур ҳужжат билан “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунга интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини интернетда ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиш киритилмоқда. Унинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ва инновациявий жиҳатдан юксалишига кўмаклашувчи интеллектуал мулк тизимининг, шунингдек, рақамли муҳитда ижодий фаолиятга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг таъсирчан механизмларини шакллантиришининг ҳуқуқий асосини яратди.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Кун тартибдаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” муҳбири

# ДУНИЁНИ ҚУТҚАРАДИГАН КУЧ

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Энди замон анча ўзгариб кетди. Ўша кунгидек Президент қатнашаётган тадбирларда бизга ўхшаганларнинг қалин-юпқа дафтарлари ёзувларга тўлиб кетяпти ҳам. Нега десангиз, расмий тайёрланган маъруза матнидан ташқари янграётган қанча ибратли мулоҳаза тақлиф, халқона ибораларни дафтарнинг бир четига қистириб қўймасангиз, хотирангиз панд бериб қўяди-да.

Дарвоқе, энди йиғилиш тафсилотларига ўтаман: очик айтиш керак, бугун дунё миқёсида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий муҳорабалар ғоят кучайиб бораётган бир паллада маънавият, маърифат ҳақида ўйлашга фурсат топа олаётган раҳбарлар кўп эмас. Лекин Ўзбекистон Президенти бу жабҳада бошқа сафдошларига намуна бўлаётганининг яққол исботи эса ана шу катта йиғилишда кўтарилган масалалар, десам асло муболага қилмайман.

Бугунги жараёнлар одамларни шошиштириб қўймоқда. Биламиз, ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг пойдевори мустақкам бўлмоғи учун дастлаб иқтисодий сиёсат бирламчи омил эканлиги шубҳа йўқ. Лекин бундай шароитда ижтимоий соҳа бир лаҳза бўлса-да, ортга сурилса ёхуд сояда қолиб кетадиган бўлса, исталган тараққиёт, юксалиш, эришилган муваффақиятлар ҳеч кимга татимаслиги аён. Балки ана шу азалий ҳақиқат чуқур англаниши учунми, Ўзбекистон мисолида бу борада тарози палласи деярли тенг келаётганига юртбошимиз мазкур йиғилишда қайта-қайта таъкидлаган ҳаётий мисоллар, қувонарли рақамлар яна бир бор исбот бўла олади.

Эътибор беринг: “Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистонлик”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Ҳар биримиз учун ўзига хос огоҳлик кўнгириғи сифатида айтилаётган ушбу сўзлар замирида қанча хавотирли саволлар ва жонажон халқимизнинг кўнгил тубидаги дарду армонлари мужасамлигини англаяспизми? Бу соҳада зиёлилар, бир сўз билан айтганда, кўп сонли маънавиятчилар фаоллик кўрсата оляптими? Мустақиллик даври фарзандлари деб аталаётган авлоднинг таълим-тарбияси, дунёқараши, одобахлоқи қайси ўзандан озикланяпти, қандай ғоялар, қандай тушунчалардан куч оляпти, деган мураккаб саволларга муфассал жавоб топишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Сир эмас, аксар ота-оналар умид билан ўстираётган, тарбиялаётган ўғил-қизларини биринчи навбатда қайсидир хорижий тилини ўрганишини истайди ёки имкони борича чет элда ўқишни хоҳлайди. Бу табиий жараён. Орузга айб йўқ, Лекин миллий қадриятлар-чи, шарқона тарбиянинг нозик қирраларини уларнинг қалбига сингдириш зарур эмасми? Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бу масалада қатъий ҳаётий талабни қўйди:

“Хорижга болани ўқишга юборишдан олдин унга “МИЛЛИЙ ВАКЦИНА” қилиш керак. Бироқ ният бору ҳаракат йўқ – ғоявий рақобатга тайёр бўлишимиз керак. Неварамиз қайси замонда яшайди, ўзини ким деб билади, дея ҳозирданок ўйлашимиз лозим. Ёш авлод тарбияси бугунги замон талабига жавоб берадими? Бу оғриқли масала, бунга жавоб топишимиз зарур.

Биз хафа бўламиз, ёшлар интернетда ўтирибди деб, хўш ўтирмаслиги учун нима қилдик ўзи? Интернетда ўзбек тилида маънавий-маърифий ғояларни кўпайтириш учун алоҳида миллий дастур ишлаб чиқиш вақти келди...”

Жуда оддий туюлаётган, аммо залворли юки бор сўзлар шунчаки расмиётчилик учун ўртага ташланган тақлифлар эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ва энди бу каби жараёнларга томошабинлик қилиб ўтириш, лоқайд муносабатда бўлиш жамиятга, керак бўлса, давлатга хиёнат эканлиги бежиз қайта-қайта айтилмаётганини англаш вақти келди. Бу каби ҳаётбахш чорловлар ҳар биримизнинг ёшларимиз таълим-тарбияси учун маънавий жавобгар эканлигини яна бир қарра эслатиб туради.

Табиийки, “миллий вакцина” ёки миллий туйғуни уйғотиш, деган тушунчалар осмондан олинаётгани йўқ. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг кўнглидаги ўйлар, дардлар аслида. Давлат раҳбари “Маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий”, дея куюниб сўзлар экан, ўтмиш ва бугунги кун ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган жадид боболаримиз илгари сурган ғоялар Янги Ўзбекистон

Шу йилнинг сентябрь ойда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг кенг нишонлангани-чи? Буюк саркарда ва улуг алломалар ҳақида тарихий фильмлар яратилиши, қарийб чорак асрдан кейин Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланишини ким тасаввур қилган эди, айтгин!

Кенгайтирилган йиғилишда Президент томонидан асосий йўналишлар бўйича истиқболдаги устувор вазифалар аниқ белгилаб берилди. Аввало, маъна-

маркази фаолият кўрсатиши белгиланмоқда. Худудлардаги 600 дан ортиқ бандий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича дастур қабул қилиниб, ушбу мақсадлар учун 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Бешинчидан, мақом ва бахшичилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш кучайтирилади. Мақом, катта ашула, бахшичилик, атлас ва адрас, кулолчилик ва заргарлик каби анъаналарни изчил давом эттирадиган мактаблар яратилади.

вожлантириш мақсадида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида “эркин иқтисодий кинохудудлар” барпо этиш вазифаси қўйилди. Миллий сериаллар бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, уларни ғоявий-бадий ва техник жиҳатдан жозибали даражага етказиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун IT-парк каби эркин иқтисодий зона – “Cinema park” ташкил қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Тўққизинчидан, тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинади. Жумладан, Марказий кўргазмалар зали реконструкция қилиниб, жиҳозланади. Бадиий фонд худудда замонавий галерея биноси курилади ҳамда 40 та ижодий устaxonадан иборат Ёш rassomлар маркази ташкил этилади. Хаттотлик ва миниатюра санъати таълимини амалиёт билан боғлаш мақсадида миллий усулда қоғоз тайёрлаш устaxonаси ташкил этилади.

Шунингдек, бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш чоралари кўрилади. Бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилади. Ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади.

Жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш қўллаб-қувватланади. Ижодий буюртмалар, муаллиф ва таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилади. Нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 5 йилга солиқлардан озод қилинади.

Президент таржима санъатининг ахамиятига тўхталиб, бундай меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш ташаббусини илгари сурди.

Интернет ресурсларини ривожлантириш ҳам муҳимлиги таъкидланди, шу мақсадда адабиёт, кино, тарих, санъат, фольклор намуналарини қамраб олган “Ўзбек маданияти” портални яратиш вазифаси қўйилди.

Бевосита ушбу соҳага оид энг муҳим ташаббуслар бежиз илгари сурилгани йўқ, энди белгиланган вазифалар ижроси ҳам таъминланишига шубҳа йўқ.

Жонли ва юзма-юз мулоқотнинг яна бир эътиборли жиҳатига тўхталмоқчи жониз деб ўйлайман. Юқорида санаб ўтилган устувор йўналишлар бўйича Президент расмий нутқида қўйилган тарзда йиғилганларга қарата батафсил тушунчалар ҳам бериб ўтишга улгурди.

Маъруза тугагач, давлат раҳбари минбардан тушиб, тадбир иштирокчиларига юзланди-да, бу соҳа бўйича муҳокама жараёни қанча вақт давом этишидан қатъи назар, маънавиятга дахлдор ҳар қандай тақлиф ва мулоҳазаларни эшитишга тайёрлигини изҳор этганида қарсақлар янгради. Албатта, сўзга чиқувчилар орамизда кўп эди. Табиийки, муҳокама ҳам қизгин кечди. Зиёлилар, адабиёт ва санъат намояндалари, мутахассислар давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳада эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, кўнгли тўлмаётган жиҳатларни очик ошқора таҳлил этиб берганини эътироф этишди.

Тўрт соатдан кўпроқ давом этган йиғилишдан бир дунё таассуротлар билан қайтйпмиз, руҳимиз анча енгил тортигани учунми, ҳамкасблар яна баҳс-мунозарага киришамиз. Ғоят самимий ва очик мулоқотдан сўнг яна қанча ижодий режалар тузиб чиқдик. Навбат амалий ишга!



стратегияси билан ҳамоҳанг эканлигига бежиз урғу бермади.

Президент, таъкидлаш жоизки, шу кунга яна бир ҳақиқат саволни ҳам ўртага ташлади: “Нима учун бобоси Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган бўлса, дарвозаси тепасига “Бу уйда уруш қатнашчиси яшаган” деб ёзиб қўямиз-у, бобоси жадид ўтган бўлса, ёзмаймиз? Бобоси жадид бўлган, деб ёзиш керак, агар бу бордиро кимларгадир ёқмаса, алам қилсин...”

Ҳаётий ва ўқинч тўла даъват эмасми бу? Лекин яна бир аянчи ҳақиқат шуки, яқин ўтмишда авлод-аждоғида жадид ўтган оилаларнинг қисмати қандай фожиали кечганини ҳам биламиз. Шу маънода катта минбарда янграган бундай даъваткор оҳангдаги гаплар ҳам ўтмишда топталган тарихий адолатнинг қайта тикланаётганига ўзига хос бир ишорадир.

Давлат раҳбарининг мазмундор нутқида соҳага берилаётган барча имкониятлар бирма-бир санаб ўтилди. Масалан, олайлик, биргина маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 қарра ошиб, 2023 йилда бу мақсадлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганининг ўзиёқ бу йўналиш билан боғлиқ ислохотлар қўлами нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, маърузада таъкидланган “Мақом”, “Бахшичилик”, “Хунармандчилик”, “Лазги” каби халқаро фестиваллар, 24 та хорижий мамлакатда, жумладан, қўшни давлатларда “Ўзбекистон маданияти кунлари” юқори савияда ўтказилгани, ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига яна 9 та миллий меросимиз намунаси, Бухоро шаҳри “Ижодкор шаҳарлар тармоғи”га киритилгани, айнан мустақиллик даврига келиб, илк марта нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилддан иборат “Мустақиллик даври навоийшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга совға” сингари адабий мажмуалар ёхуд бир замонлар ўзбек адабиётининг афсонавий намояндаси Абдулла Орипов ташаббуси туфайли ташкил этилиб, кейинчалик турли баҳоналар ордидан унутилган Зомин семинарининг шахсан Президент тақлифи билан қайта тиклангани... буларнинг бари алоҳида таъкидлашга лойиқ мисоллардир.

Олтинчидан, бетакрор ўзбек мусиқа ва рақс санъатини янада ривожлантириш учун, жумладан, “Баҳор” рақс ансамбли илгари Филармония жойлашган машҳур санъат саройида фаолият юритиши таъкидланди. Довруғ қозонган ашула ва рақс ансамблларининг хорижий давлатларга гастроль сафарлари кўпайтирилади. Мусиқа ва рақс санъати масалаларини илмий ўрганиш, соҳада илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар учун грантлар жорий қилинади. Шунингдек, Тошкент давлат цирки биноси қайта таъмирдан чиқарилади.

Еттинчидан, халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатияси кенгайтирилади. Келгуси йили Тошкентда жаҳон креатив иқтисодиётига бағишланган конференция, Нукусда эса “Орол маданияти” халқаро илмий анжумани ўтказилади. Музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича етти йиллик дастур қабул қилинади. Тарих музейи ҳамда Санъат музейининг янги бинолари барпо этилади. Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгилади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади.

Бундан ташқари, музейларимизда, хусусан, Ислоом цивилизацияси марказида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, давлатчилик тарихи ва буюк алломалар фаолияти бўйича янги экспозициялар ташкил қилинади. Франция билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолияти йўлга қўйилади. Муқаддас китоб – Усмон Куръони саҳифалари консервация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлиги очик осмон остидаги музейга айлантирилади. Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, “Буюк ипак йўли” музейи барпо этилиб, Биби-хоним мажмуаси реставрация қилинади.

Саккизинчидан, кино соҳаси ривожлантирилади. Бу борада “Тирик тарих” туркумида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилади. Бунга хорижий ижодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар ҳам жалб этилади. Шунингдек, болалар учун буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимацион фильмлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Кинони иқтисодиёт билан уйғун ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Эндиликда энг яхши пьесалар учун ижодий буюртма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг номдор чет эл театрларида маҳоратини ошириш, иқтидорли ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маннон Уйғур номидаги махсус мукофот таъсис этиш ташаббуси илгари сурилди. Корхона ва ташкилотларда ойнанг бир (балки жума) кун “Театр кун”и деб белгилашни кўрсатиб ўтилди. Бу ҳам юртодошларимизнинг маънавий дунёсини янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тўртинчидан, 2024 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг ҳар бир туманида саҳнали зал, кутубхона, кинозал ва тўғарақ хоналари бўлган биттадан маданий



**Норқобил ЖАЛИЛОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ТАҲЛИЛ

# “Ёшлар қаноти” ёшларга қанот бўла олдими?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг сайловолди дастурида “Ҳар томонлама баркамол, эркин, кучли ва ўз кучига ишонган ёшлар – келажак бунёдкорларидир” деган ғояни илгари сурган эди. Ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, ўз қаришларига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари ҳар доим сиёсий кучнинг энг муҳим вазифалари бўлиб қолаверди.

Ўз навбатида уларнинг жисмонан соғлом, бахтли бўлиши, мустақил фикр, юксак интеллект ва маънавий салоҳиятга эга бўлиши, ҳеч бир соҳада бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан кам бўлмасликлари, ўз эртасига ишонишлари учун барча куч ва имкониятларини сафарбар қилиши таъкидланади ушбу дастурда. Бу каби устувор мақсадларни амалга ошириш учун партия ва унинг худудий кенгашларидаги “Ёшлар қаноти” бўлими фаолият юритиб келмоқда.

Ҳўш, улар ҳақиқатан ҳам ўзлари мансуб бўлган партия ғояларини аҳолига етказиш, эртанги кун эгаларининг орзулари ижобат бўлишида чин маънода тиргак, қанот бўлишяптими?



**Абдулла АСЛОНОВ,**  
O'zLiDeP Siyosiy Kengashi  
Ижроия қўмитаси ёшлар ва тадбиркорлик масалалари бўйича раис ўринбосари

2023 йил давомида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини, улардаги тадбиркорлик кўникмаларини ошириш, янгиланган Конституциямиз мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида 6 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди. Уларда 800 мингдан зиёд ўғил-қиз қамраб олинди.

Республика бўйлаб “Ёшлар қаноти” томонидан “Парламентда ёшлар ўрни”, “Ёш сиёсатчилар лигаси”, “Қонун лойиҳаси ёшлар нигоҳида” лойиҳалари, “O'zLiDePдан ҳуқуқий кўмак” акциялари, “Ёш сиёсатчи қизлар” клуби фаолият олиб борди. Хорижда меҳнат қилаётган ва таълим олаётган ёш ватандошларимиз билан тизимли мулоқотлар ташкил этилди. Тенгдошларини қийнаётган турли муаммоларни имкони борича ижобий ҳал этишга қаратилган “Ватандошлик овози” ва “Ватандошга маслаҳат” лойиҳалари амалга оширилди. Ғояларимизнинг мунтазам тарғиботи натижаси ўлароқ аъзоларимиз сони ортди.

Президентимизнинг жорий йил 15 декабрь куни ёшлар сиёсатида амалга оширилган ишлар ва келгуси йилдаги устувор вазифалар бўйича берган топшириқ ва ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга қаратилган партиянинг 2024 йилги устувор вазифалари белгилаб олинмоқда. Унда, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида илгари сурилган ёшлар сиёсати, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларидаги вазифалар ижросини таъминлашда таъсирчан жамоатчилик назорати билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.



**Дилноза ТОЖИБЕВА,**  
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг  
Ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими мудир

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадлар ижросини таъминлаш бўйича Сиёсий Кенгаш аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, Ёшлар парламенти, “Ёшлар қаноти” вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилган. Улар мунтазам равишда жамоат назорати оид тадбирларни ўтказишмоқда.

Хусусан, республика ишчи гуруҳи “Ёшлар креатив парки” фаолиятини ўрганиш ҳамда “Чет тилларини омдалаштиришга кўмаклашувчи “Ибрат” лойиҳаларини ривожлантириш, халқаро имтиҳон тизимларида чет тиллар ва бошқа йўналишлар бўйича юқори балл олган ёшларнинг имтиҳон харажатларини қоплаб бериш амалиётини кенгайтириш” мавзусида жамоатчилик эшитиш ташкил этди. Ёшлар ижод саройида ўтган мазкур тадбирда Ёшлар сиёсати ва спорт, Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари, “Эл юрт умиди” фонди, Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддиларининг амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлари тингланди. Бундай эшитувлар келгуси йилда ҳам давом эттирилади.

**Гўзал АБДУЛЛАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги  
Ёшлар парламенти аъзоси,  
“Келажак бунёдкори” медали соҳибаси:



Ёшлар парламенти том маънода ёшлар муаммоларини ўрганишни “O'zLiDeP ёшлар минбари” гуруҳи орқали амалга оширмоқда. Унга республикамиздаги мавжуд вазирлик, идора, ташкилот ва тижорат банкларининг 2 нафардан масъул вакиллари аъзо бўлиб, бу аса муаммони гуруҳнинг ўзида ҳал этиш имконини яратди. Бугунги кунга қадар мазкур минбарга келиб тушган 1 289 та муносабатнинг 1 270 таси ижобий ҳал этилди. Илк мартаба “Ёшлар” телеканалда гуруҳда кўтарилган масалалар “Ёшлар минбари” кўрсатуви орқали эфирга узатилди. Мазкур кўрсатув ҳар ойда камида икки мартаба эфирга узатилиши режалаштирилган. Мақсад – тенгдошларимизга ҳар томонлама кўмаклашишдир.



**Аброр АБДУҒАНИЕВ,**  
Ёшлар парламенти аъзоси,  
Навоий ёшлар технопарки директори

Сиёсий куч сафини ёш олимлар билан кенгайтириш ва янги технологияларни жорий этиш устувор вазифаларимиздан саналади. “Ёш олимлар лигаси”, “Ёш инноваторлар ва технололар”, “Интеллект” лойиҳалари, “Ёшлар ташаббуслар форуми” ҳам шу ниятда йўлга қўйилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфидаги “Ишга марҳамат” мономарказлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. “Касб-хунарли ёшлар”, “O'zLiDeP сизга кўмакчи” лойиҳалари худудлар миқёсида ташкил этилган.

**Шухрат БОЗОРОВ,**  
O'zLiDeP Андижон вилояти кенгаши  
Ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими мудир



Партия том маънода ёшлар ва тадбиркорлар партиясига айланиб улгурди. Асосий устувор йўналишлар сифатида тадбиркорлар сафини кенгайтириш ҳамда ёш тадбиркорлар улшини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда “Хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси йўлга қўйилди. Худудларда 730 дан зиёд қисқа ўқув семинарлари ва маҳорат машғулотлари ташкил этилиб, жами 250 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизлар қамраб олинди.

Биргина Андижон вилояти мисолида вилоят “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Ёш тадбиркорлар лигаси”, “Диплом билан бизнесга”, “Менинг ғоям”, “Тадбиркорликка илк қадам”, “Ёш тадбиркор” каби лойиҳалар амалга оширилди.

**Отабек СОБИТОВ,**  
O'zLiDeP Siyosiy Kengashi  
Ижроия қўмитаси бўлим мудир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари 1 578 мартаба эвент тадбир, учрашувлар ташкил этишда жонбозлик кўрсатишди, 280 мингдан зиёд ўғил-қизлар қамраб олинди.

Ёшлар парламенти аъзолари томонидан партия кўмагида 220 нафар уюшмаган ёш мавсумий иш билан, 78 нафари эса доимий иш билан таъминланди. Маҳалладаги ёшлар етакчилиги орқали 289 нафар ижтимоий оғир аҳволда бўлган ўғил-қизларга моддий ёрдам ажратилди, 178 нафар талабанинг тўлов контрактлари тўлаб берилди, 25 нафарига эса тиббий асбоб-ускуналари олиб берилди, 1 560 нафари бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Мазкур парламент аъзолари малакасини ошириш бўйича маҳорат машғулотлари ташкил этилаётди. Уларда мамлакатдаги ислохотлар мазмун-моҳияти етказилмоқда. Йил давомида бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараёнларда ҳам улар фаоллик кўрсатишди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири

ШУҚУҲ



**Шоқахор САЛИМОВ,**  
“Дўстлик” ордени соҳиб,  
“Олтин қалам” XVII миллий  
мукофоти совриндори

2023 йил билан ҳам хайрлашяпмиз. Ўтаётган йил Ўзбекистон халқи, мамлакатаи учун нуқулмас йил сифатида тарих саҳифасидан муносиб ўрин олажагига шубҳа йўқ.

Зеро, Янги Ўзбекистонимиз сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида арзирли воқеликлар, дунё майдонида эътироф этилган улкан муваффақиятларнинг қай бирини са-

## ФАХРУ ИФТИХОРГА ТўЛАДИ ЮРАК

наб ўтайлик? Айниқса, халқаро миқёсда оладиган бўлса, давлатимиз раҳбарининг жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин тутувчи жараёнлар, хусусан, минтақамизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ёшлар тарбияси, экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлидаги энг муҳим ташаббуслари кенг жамоатчилик, нуфузли экспертлар, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Эътиборлиси, мамлакатимиз бир қатор халқаро саммитларга ҳам мезбонлик қилди.

Албатта ҳар бир давлатнинг фаол ташқи сиёсатида ички сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт, мамлакатдаги миллатлараро, динлараро тотувлик, соғлом маънавий муҳит каби ички омиллар бирламчи таъсир воситаси сифатида хизмат қилади. Узоққа бормайлик, ўз Ватанимизда содир бўлган муҳим воқеаларни эслайлик: умумхалқ

референдумида тубдан янгиланган Конституциямиз – Бош қомусимиз қабул қилинди. Яна бир масъулиятли жараён ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кўтаринки руҳда ўтказилди. Янги-янги иншоотлар, метро бекатлари, гидроэнергетика объектлари, IT парклар, юзлаб тураржойлар фойдаланишга топширилди. Асосийси, бугунги кунда дунёда юз бераётган айрим нохуш сиёсий ва иқтисодий бўҳронларга қарамасдан, мамлакатимизда ЯИИМ анча ўсди. Бу каби қувончли мисоллар кам эмас.

Ўйлайманки, янги йил ҳам Ўзбекистонимиз учун барча соҳаларда улкан имкониятлар ва юксалишлар йили бўлиб келади. Тилагим, юртимизда тинчлик барқарор бўлсин, халқимиз соғ-омон, дастурхони тўкин, юраги ҳамиша фахру ифтихорга тўлиб юрмоғини Яратгандан сўраб қолам!



## ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

барча юрtdошларимизни,  
маслақдошларимиз ва электоратимиз  
вакилларини янги йил айёми билан самимий  
муборакбод этади!

Ўтаётган йил жонажон

Ўзбекистонимиз учун улкан тарихий ва  
сиёсий воқеликларга бой бўлди.  
Янгиланган Конституциямизнинг  
умумхалқ референдумида қабул  
қилинишида, муддатидан илгари ўтказилган  
Президентлик сайлови ва бошқа  
масъулиятли жараёнларда  
O'zLiDeP ўз мақоми ва нуфузига муносиб  
равишда фаоллик кўрсатгани ҳаммамизга  
фахру ифтихор бағишлайди.

Албатта 2024 йилда бўлиб ўтадиган жиддий  
сиёсий синовларга ҳам ҳозирданоқ  
тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик.

Доно халқимиз йил бошида  
қилинган энг ёруғ ва эзгу тилаклар,  
орзулар йил сўнгига қадар ҳамроҳ бўлишини  
бежиз башорат қилмаган.

Шундай экан, барчангизга кириб келаётган  
йилимиз кувончли, файзли, барокатли  
бўлмоғини тилаймиз.

Ватанимизда тинчлик-осойишталик,  
барқарорлик, ҳар бир оилада эса  
муштақам саломатлик, хотиржамлик  
ҳукмрон бўлсин!

РЕКЛАМА



5

## УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ

**Самарқанд вилояти бошқармаси**

**кириб келаётган янги – 2024 йил билан барча юрtdошларимизни  
чин юракдан табриклайди!**

**Тарих саҳифасига муҳрланаётган йилда барча соҳалар қатори  
ўз жамоамизда ҳам эришилган улкан ютуқ ва ғалабалар  
бардавом бўлишини истаймиз.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамиша  
ҳамроҳ бўлсин, азиз ватандошлар!**



## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭҒАЛАРИ КЕНГАШИ жамоаси

Захматли ва шарафли меҳнатиимиз, ҳайрли ишларимиз сарҳисоб қилинаётган кутлуз даимларда халқимизни,  
соҳамиз фидойиларини Ўнги йил баёрами билан самимий муборакбод этади!

Ушбу кутлуз айёмида ўзларининг ҳалол пенина тери, фидокорона меҳнати билан олтинга тенг она тупроқимиздан бебаҳо  
поз-неъматлар уйдуриб, халқимиз ҳаётини обод, дастурхонини тўқил қилиб келаётган миришкор деҳқонларимиз,  
лафзи ҳалол томорқачиларимиз шаънига ҳар қанча мактовларимизни бийдурсак шунча кам.

Улкан салоҳиятга эга мамлакатимиз қилишқ хўжамлиги соҳаси тараққиётинга муносиб ҳисса қўлиб келаётган деҳқон  
ва фермерларимиз, агрокластер раҳбарлари ва ходимлари учун 2024 йил ҳам муваффақиятларга эриш  
бўй бўлишини тилаймиз!

Ўнги йилимиз муборак бўлсин!



ҚАДРИЯТ

# “МАҚОМ СИЗ ҲАЁТ ҲАМ, САНЪАТ ҲАМ ЙЎҚ!”

дейди Ўзбекистон халқ ҳофизини  
**Ўктам Аҳмедов**

Мақом санъати ўзбек халқининг мусиқий энциклопедияси. Унда халқимизнинг қадимий тарихи, маънавий дунёси, бадиий фалсафаси, руҳи мужассам. Шу боис неча асрли, бебаҳо маданий мерос сифатида ардоқланиб келмоқда. Эшитганимизда қалбимизда ажиб ҳислар уйғонади. Дард, оҳанг, ранг-баранглик руҳиятимизга сокинлик олиб қиради. Мусиқанинг таъсири, сеҳрига қул бўламиз.

Соҳага бугун ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Президентимиз 2017 ва 2018 йилларда кетма-кет “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорларини қабул қилди. Уларда мақом санъатини бутун дунё бўйлаб тан олиншига имкон яратилиши борасида вазифалар белгиланди, вилоятларда мақомчилик марказлари ташкил этилди, ёшлар тарбияланмоқда.

Узоққа бормайлик, шу йилнинг 22 декабрь куни юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йўналишида ҳам мақом ва катта ашула, бахшчилик санъатини илмий асосда ўрганиш ва ривожлантириш, боқий анъаналарни давом эттириш мақсадида алоҳида мактаблар ташкил этиш масаласи тилга олинган бежиз эмас.

– Ўктам ака, истеъдоднинг аввали оиладан, сайқали устадан, яъни устоздан. Ҳаваскорликдан халқ ҳофизига бўлган йўлларингизга бир назар солсак?

– Отам шофёр, онам тўқувчи бўлган. Уйимизда акамнинг рубоби бўларди. Маҳалладошлар кечки пайт гузарга йиғиларди. Кимда қандай чолғу бўлса кўтариб чиқар, меннинг кўлимда рубоб бўларди. Ўзимизча ансамбл тузиб, кўшиқлар куйлардик. Уларни кетиб, кўшимни оларди. Шундай сазим бўлсаю, мен ҳам улардек халқ севган санъаткор бўлсам, деб орзу қилардим. Бахшиларнинг узундан узун достонларини эринмай тинглаб, хотирамга муҳрашдим.

Маҳалладошимиз Саиджон ака уйланди. Никоҳ тўйида кўшиқ айтиб беришимни сўрашди. Хонандалар торини беришмади, ёш бола-ку, чалолмайди, кўлидан тушиб кетади, деб. “Тушиб кетса, зарарини тўлайман”, деди дадам. Ҳақиқатан ҳам тор катта ва оғирлигиндан сирпаниб, тушиб кетаверди. Шунда бир киши қорнидан ушлаб турди, мен чалиб, 20 дақиқалик “Кийикнома”ни айтиб бердим. Нафақат тор, ғижжак, аккордеон, рубоб, пианино ҳам чалардим. Ҳаммасини мустақил ўрганганман. Мусиқа устозимиз Нўрмонжон Мавлоновдан ҳам кўп сабоқлар олдим.

Ўн ёшларимда амаким яп-янги тор сотиб олганини эшитиб, дадамга менга ҳам тор олиб беринг, деб йиғладим. Ушанда дадам Бухорога қатнайдиган автобус ҳайдарди, мениям ўзи билан олиб кетди. Ва катта университетдан тор сотиб олди. “Қани, битта бўлсин-чи?” деди дадам. Ортиқ Отажоннинг “Эй нурли Ватан шўх баҳор ёзларинг бор, Ёзингда пишар неъматни кўп созларинг бор” дея куйланган кўшигини бандан овозда айтиб бердим. Ҳамма қарсак чалди...

Энди кечаю кундуз бутун хаёлим санъатда бўларди. Дастлаб Қирғизистонда ўтказилган ёшлар санъат анжуманида қатнашиб, биринчи ўринни олгач, руҳим қаттириди. Кейин Шахрисабз шаҳар халқ театри раҳбари Элмурод Боймуродов ёнига олиб кўлади.

Қарши маданият техникумини битириб келгач, Шахрисабз маданият уйида ишладим. Кўнглим Расулқори Мамадалиев ғойибона устозим эди. Ашулалари ёзилган магнит тасмалари кўлимга 25 ёшда тушиб қолиб, йўлларида жуда қизиқдим, ҳавас қилиб кўп

кўшиқларини ижро этдим, танбур нолаларини маромига келтириш илмини ўзлаштирдим. Биринчи ўрганганим – “Бозиргоний”, “На қилдим”, “Оҳким” бўлган. Хизматларда айтсам, кексалар келиб: “Расулқорининг ўғлимисан?” деб сўрашарди. Бундан жуда хурсанд бўлардим.

Шерали Жўраевни ҳам ўзимга устоз деб биларман. Фахридин Умаров, Фуломжон Ёқубов ижод намуналаридан фойдаланиб, элга танилдим.

1996 йил ҳеч ёдимдан чиқмайди: кадрдон, меҳрибон устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ҳамда “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби, миллий мақом устаси Элмурод Боймуродов Тошкентда “Олтин мерос” мақомчилар танлови бўлаётгани, унда қатнашишимни айтиб қолди. Танбуримни кўтариб бордим. Қирққа яқин иштирокчи тўпланган, орасида машурлар ҳам бор эди. Навбатим келди. Ҳайъатга қараб қотиб қолдим: афсонавий санъат даргалари Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев олдида ҳаяжон босди. Қолаверса, радиокўмитанинг бадиий жамоалар дирекцияси бошлиғи Бозорбой Сафаров, бастакорлар Баҳрулло Лутфуллаев, Қаҳрамон Комилов, хуллас, ҳамма шу ерда экан!

– Қани ўғлим, бизга нимани айтиб берасиз?  
– “Оҳким”ни, Фуркат ғазали Расулқори Мамадалиев мусиқаси.

– “Оҳким” Расулқори Мамадалиев мусиқасими? Сизга ким айтди бунини?

– У кишининг кассеталаридан ўрганганман...

– Яхшилаб қулоғингизга қуйиб олинг, – деди Орифхон Ҳотамов. – Имомжон Икромов мусиқаси. Тўғри, Расулқори ҳам жуда чиройли ижро этган. Шу кишининг йўлидан ўрганингизми? Қани эшитайлик-чи?

Танбурни олиб бошладим:

– Оҳким ҳамдард йўқ, дард ошкор айла десам...

– Расулқори ака қандай айтган бўлса, шундай айтиб, танбурниям ушандай чалиб, охирига етказдим.

Устозлар бир-бирларига қараб олишди. Фаттоҳхон ака ўрнидан турди, юрагим така-пука. Бор вужудим қулоққа айланган.

– Бу ўғлимиз яхши ижро этди, нолаларини жой-жойига қўйди, танбурниям яхши чаларкан, фақат битта айби – Расулқорини “копировка” қилиб берди-да!

Кулишди. Орифхон ака:

– Фаттоҳхон, ўзингиз ҳам эслаб кўринг, бу йигитни кўриб, ёшлигим эсимга тушди, биз ҳам Маъмуржон ака, Жўраҳон акага эргашиб ашулачи бўлганмиз. Улардек бўлишни истаб, нолаларини ўхшатганмиз, кейин мана, ўз йўлимиз, йўналишимизни топиб, ўз овозимиз билан Орифхон, Фаттоҳхон бўлдик. Ҳозиргача эшитганларим орасида шу йигитнинг ижроси энг яхшиси бўлиб турибди. Қани, иккинчини ҳам айтсин-чи? Ҳўш, энди нимани айтасиз?

– “На қилдим”, Хувайдо ғазали, Расулқори Мамадалиев мусиқаси.

Орифхон ака яна ўрнидан турди:

– Маъруфхўжа Баҳодиров деган ҳофизни эшитганмисиз?

– Йўқ, – дедим. Ростини эшитмагандим-да.

– Унда билиб қўйинг, “На қилдим”нинг мусиқаси Маъруфхўжаники! Буни мен ҳам, Маъмурд Тожибоев ҳам, хуллас кўпчилик айтган. Майли, сиздан ҳам эшитайлик-чи?

– На қилдим санга ман ёрим, жамолингдин-ей жудо қилдинг... – дея бошлаб, кезида авжларига чиқиб, пирранг (анъанавий ижрочиликда кўпроқ қўлланиладиган зарблардан. У бирин-кетин чалинадиган тўртта 3 зарбнинг бирикмасидан иборат. Айниқса, танбурда тўлароқ намён бўлади) қилдим. Яна бир-бирларига қараб, хайратларини билдиришди.

– Балли болам, раҳмат сенга! – дея Орифхон ака сенга юборди ва чиқишимга руҳсат берди.

Меҳмонхонага келдим, лекин ҳеч вақт ўтмайди, тонг отмайди. Эрталабданок чопиб бордим натижани кўраин деб. Не кўз билан кўрайки, рўйхатнинг биринчи қаторида исми фамилиям турбди-да!

Хурсанд бўлиб кетаётсам, санъат фидоийси раҳматли Бозорбой ака мени чақирётганини айтишди. “Ўғлим, мақом ансамблида ишлашни хоҳлайсанми?” деб сўради. “Раҳмат, устоз, менинг имкониятним йўқ. Сабаби, Шахрисабзда тўйларим кўп, уларни ўтказишим керак (аслида онамнинг тоблари йўқ эди, уларга қарашим лозим эди).

– Қанақа боласан ўзи, бераётган жавобингни қара! Ансамблга жойлашш учун санъаткорлар беш йилдан бери навбат кутиб турибди. Сен бўлсанг тўйим бор, дейсан-а? Юр бу ёққа! Йўқ, деб, кетворсанг, тегишли одамларга айтман, оёғингни ерга теккизмай олиб келишди...

Ортидан эргашдим. Ансамблга олиб бориб, ўртага ўтиргизиб қўйди. Рўпарамда яна машурлар – Матлуба Дадабоева, Махбуба Ҳасанова, Эсон Лутфуллаев, Махмуджон Йўлдошев, Махмуджон Тожибоев, Исроиқхон Ваҳобов (ансамбл раҳбари). Уларга мени кўрсатиб: “Бу йигит “Олтин мерос” ғойиб бўлди. “Мақом”да ишламайсани, десам, “Йўқ, Шахрисабзда тўйим бор” деб рад қилди. Тўй бўлса, шу ердаям топилаверди. Бир эшитиб, баҳо берайсизлар!”

– “Оҳким”ни айтиб бер-чи! Танбур чалишига ҳам эътибор беринглар дўстлар, – деб қўйди.

Катта ҳаяжон билан устозлар қаршисида яна имтиҳондан ўтдим.

Махмуджон Тожибоев туриб: – Расулқори аканинг ўзларидек ижро қилди. Қани мақомдан нимани билар экан?

– Оббо, бўёғи энди расво бўлди-ку, – дейман ичимда. Шундай бўлса-да, устозларимдан

ўрганганларим “Самарқанд ушшоғи”, “Кўқон ушшоғи”, “Бухоро ироғи”ни билишимни айтдим...

– “Талқини уззол”ни айтинг-чи?

Бу жуда катта ва қийин асар, Бузрук мақомнинг шубҳаси. Ростини куйлаш осонмас. Ноилож, танбурда ижро этдим.

Яқунлашим билан Махмуджон Тожибоев: “Бўлди, гап йўқ, келиб сафимизга қўшилсин”, деди...

Барибир онамни кўзим қиймади. Менга жуда ўрганиб, суяниб қолган, Тошкентга кетиб қолсам, қийналади” деб турли баҳоналар тўқиб юрдим. Бозорбой ака қанча одамларни ўртага қўйиб чақирарди. Охири вазиятни онамга айтдим. “Боргин, болам, шундай машур инсонлар назарига тушибсан, бекорга таклиф қилишмагандир”, деди. Оилада беш ўғил, беш қиз бўлса-да, билмайман онаизорим барибир мени кўпроқ яхши кўрарди.

Ниҳоят оилам (уч фарзандимиз туғилганди)ни вақтинча Шахрисабзда қолдириб, мақомчилар ансамблида иш бошладим. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олдим. Шунча йиллик заҳматли меҳнатим зое кетмади, деб ўйлайман: етти марта мухташам санъат саройларида концерт дастуримни халқимизга тақдим этдим. 2001 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, 2013 йилда эса “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизини” фахрий унвонига сазовор бўлдим.

– Ҳўш, айтинг-чи, ўзингиз астойдил истаган, кўнглингиздаги ашуларини ижро этдим деб ўйлайсизми?

– Йўқ! Ҳисоблаб чиқсам, ижод намуналарим юзтага етибди. Лекин ҳали айтолмаганларим унданам кўп-да. Чунки инсон улғайгани сари унинг тажрибаси, дарди, мулоҳазалари янада ортиб бораверар экан.

– “Онажоним ҳаёт бўлса” деб номланувчи ашулангиз кўпчиликнинг қалбидан чуқур жой олган. Айниқса...

– Ишонасизми, онамни ишларим, вақтим ҳар қанча тиғиз бўлса-да, ҳар ҳафта Шахрисабзга бориб, кўриб келардим. Бемор бўлиб ётган маҳалларида ҳам, “Шунча йўл босиб, нега келдинг, ҳадеб овера бўлиб келаверма, мен тузукман болажоним” деб койирди. Барибир хасталик энди, 1998 йили айни киш чилласида дунёдан ўтди. Оллоҳ раҳмат қилсин, ҳозиргача армон қиламан, нега сўнги нафаслариди ёнлариди бўлолмадим. Иш, пул, давлат ҳаммаси топиларди-ку, дея ўзимни койийман.

Ана шундай соғинч ва эстироблар исканжасида юрган кунларим устозим Абдуҳошим

Исмоилов битта кассетани тутқазиб, машина магнитофонига солишимни айтди. Пианино чалиб, ёзилган хомаки кўшиқ экан:

Аромларда қолмас эдим, кошки бағрим қайтиб тўлса,

Хизматида толмас эдим онажоним ҳаёт бўлса.

(Бобур Бобомурод шеъри, Абдуҳошим Исмоилов мусиқаси).

Адо бўлдим, дардим дунёга сиғмади ва шу кўшиқни менга беришларини сўрадим. Ўзлари сезган экан, онажонимни эслаб юрганмимни. Шу-шу, уни айтганда кўшиқ эмас, дардимни тўқаман...

– Энди сиз ҳам катта устозсиз, шогирдларингиз ҳам кам эмасдир?

– Шу йўналишда ижод қилаётган суюкли шогирдларим – Ҳасан-Хусан Нурбобоевлар, Асрор Олимжонов, Камолиддин Бобоҳўжаев, Аслиддин Каримовнинг мақом санъати йўлидаги изланишларидан кўнглим тўляпти, омадларини берсин.

– Чин дилдан севиб, меҳр билан ижро этадиган ашулангиз қайси?

– “Даромади ушшоқ” (Пирим Қори мухаммаси!) У инсонни тафаккур, мулоҳаза, босиқлик қорлайди. Сўзи билан бирга куйи ҳам гапиради унинг, кўзини эртади эшитганим.

– Ҳофиз Ўктам Аҳмедовни мақом санъатининг қайси мактабига хос деб ҳисоблашади?

– Буюк санъаткор хожи Абдулазиз Абдурашулов йўлидан, деб ўйлайман ўзим. Самарқандда яшаб, ижод қилган таниқли бастакор, ўзбек мақом санъатининг тамал тошини қўйган улуғ зотлардан бири, бетакор овоз соҳиби. “Гулзорим”, “Гуллар боғи”, “Бебоқча” “Бозургоний”, “Самарқанд ушшоғи” каби юзлаб ашулалари ўзбек мумтоз мусиқа меросининг энг ноёб асарлари қаторидан жой олган. Шашмақомдек улкан меросимизни ўрганиш ва кенг тарғиб этишда хизматлари бениҳоя катта. Бирдан бир орузим, устозимнинг ижод йўлларини баҳоли қудрат давом эттириш ва ана шу бетакор мактаб анъаналарини ривожлантиришдир.

Мақомсиз ҳаёт мазмунсиз умрdir. Бугунги ёшларимиз қалбига ҳам ана шу нодир ва ноёб санъат дурдоналарини сингдириб бориш энг машаққатли ва масъулиятли вазифа деб ўйлайман. Биз катта авлод вақиллари бу борада ибрат, намуна бўлмоғимиз шарт!

“XXI asr” мухбири  
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА сўхбатлашди

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД  
Адхам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАКОВ  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 1245  
Адади: 9038  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Топширилди – 18:20

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” давр олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов  
томонидан саҳифаланди.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Навбатчи муҳаррир:  
Озод РАҲАБОВ